

Ким биродарининг камчилигини қидирса, Аллоҳ унинг камчилигини қидиради | Сийрат дарслари (358-дарс)



19:00 / 19.12.2025 791

815. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқдилар ва баланд овоз билан нидо қилдилар: **«Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар! Мусулмонларга озор берманг, айбланманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Ким мусулмон биродарининг камчилигини қидирса, Аллоҳ ўшанинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйида шарманда қилади»**, дедилар». Ибн Умар бир куни Байтга ёки Каъбага назар солди ва: «Қандай ҳам улуғсан, ҳурматинг қандай ҳам улуғ! Аллоҳнинг ҳузурида мўминнинг ҳурмати сеникидан ҳам улуғ», деди».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

816. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан ёки бузишингга оз қолади»**.

Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

817. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Банда бу дунёда бошқа банданинг айбини беркитса, албатта, Аллоҳ Қиёматда унинг айбини беркитади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

818. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёлларнинг олдиға киришдан ҳазир бўлинг!»** дедилар. Шунда ансорийлардан бири: **«Эй Аллоҳнинг Расули, эрнинг қариндошиға нима дейсиз?»** деди. **«Эрнинг қариндоши ўлимдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.